

ТОНТЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 43 (66018)
1997 йил, 7 июнь, шанбаСотувда эркин
наرخда

Таътилда

ЯНА ФАРҒОНАГА БОРАМАН

Биз орзиқиб кутган ёзги таътил бошланди. Бу таътилда мен ва синглим Фарғонага борамиз. Уерда менинг меҳрибон бувам ва бувижоним яшашади. Уларнинг қишлоқларининг номи ҳам ажойиб — Гул қишлоқ. Э-ҳе, бу қишлоқнинг эртақлар оламига ухшаган рангин мўъжизалари жуда кўп. Ариқларда тулиб-тошиб оққан зилол сувларнинг ҳам узига хос тили бор. Улар гўё олис тоғлардан хабар олиб келаётган чопарларга ухшайди. Бу сувларни ичган одамнинг баҳри-дили очилиб кетади.

Гул қишлоқнинг боғларида ширинлиги тилни ёрадиган мевалари жуда кўп. Урик, гилос, шафтоли, олма, олчалардан тотиб курган ҳар бир киши бу боғларга яна қайтиб келгиси келаверади. Кенг далаларда пишиб ётган мазали полиз экинлари ҳам кўзни қувонтиради.

Мен ва синглим қишлоқдаги дугоналаримиз билан мажнунтоллар соч ювишга эгилган сой бўйларида утириб суҳбатлашамиз. Суҳбатимиз кейинги орзулар, касб танлаш ҳақида бўлади. Негадир Гул қишлоқлик дугоналарим: «Хуршида, сенга маза-да, шаҳарда яшайсан», — дейишади. Менинг эса уларга ҳавасим келади. Ҳар гал қишлоққа таътилни утказишга борганимда ич-ичимдан «қанийди таътил тугамаса-ю, мен қишлоқда узоқ қолиб кетсам», — дейман...

Агар сиз таътилни қаерда утказишни билмаётган бўсангиз, яхшиси, бувижонининг қишлоқлари — Гул қишлоққа келинг.

Хуршида БОЙМИРЗАЕВА,
Пойтахтдаги 248-мактаб
ўқувчиси.



*Ою қуёш айланади, айланади,
Учишга руҳ шайланади, шайланади.
Арғимчоқнинг шамолда дилларимиз,
Фалакларга бойланади, бойланади.*

• ҲИММАТ •

ЎЗИМИЗ ҲАМ БОЛА БЎЛГАНМИЗ...

Ўзликка қайтиш нимадан бошланади? Болаларга чинакам эътибор бериш, улар онги-шуурига мурғакликдан боболаримиз муқаддас билган урф-одатларни синдиришдан эмасми? Бу туйғулар дилида эрта куртаклаган бола келажакда шу халқнинг муносиб фарзанди бўлиб майдонга чиқади. Эл орзу қилган угил-қизлар бўлиб етишади. Болалар учун, уларнинг келажаги учун қайғураётганлар сафида Балиқчи туманидаги «Шераличек» жамоа ҳужалиги раиси Латифжон Журсевнинг борлиги қувончли, албатта.

Бу еш раҳбар жамоа ҳудудида яшаётган кам таъминланган оилаларнинг 23 нафар фарзандларига суннат туйи утказиб берди.

Болаларни ҳимоя қилиш кўни арафасида амалга оширилган бу олийжаноб иш «Шераличек» қишлоқ аҳлининг самимий миннатдорчилигига сабаб бўлди. Туйга бош бўлган туман ҳокими Одилжон ака Абдураимов ҳар бир туй бола учун 500 сумдан ҳисоб дафтарчаси очилганини айтиб, туманда фаолият курсатаётган «Камолот», «Соғлом авлод», ХДП, «Нуроний» жамғармаларининг қимматбаҳо совғаларини топширди. Кекса-ю еш бу раҳбарга шу кўни раҳмат деганда, Латифжон ака: «Болалар учун ҳар қанча савоб иш қилсак оз. Ўзимиз ҳам бир пайтлар бола бўлганмиз», — деди.

Бону МАХМУДЖОН қизи,
Андижон вилояти.

Аълочи

АЗИЗАНИНГ ОРЗУЛАРИ

...Бу кўзлари чақноқ, тиллари бийрон қизалоқ ўзи, оиласи, мактаби, синфдошлари ҳақида шу қадар тулиб-тошиб сузлайди-ки... Менинг ундан эшитиб ёзиб олганларимни сиз ҳам ўқиб қуринг-а:

— Исми-шарифим Азиза Қодирова. Шайхонтоҳур тумани Абу Райҳон Беруний номидаги 243-мактабнинг 4-«В» синфини тугатдим. Таътилга чиқишимиздан сал аввал мактабимизда 4-синф битирувига бағишлаб «Хайр, бошланғич синф» деган тадбир утказилди. Асли бизнинг мактабда 7 та 4-синф бор. Уларни 200 дан ортиқ бола тугаллади.

Бу тадбирга роса тайёрландик. Расмлар чиздик, шеърлар ёдладик. Рақслар ургандик.

Тадбирда аълочи, хулқи намунали, мактабга вақтида келиб-кетадиган, озода, камтар ўқувчиларга мактабимиз директори Насиба опа Нишонова мактов ёрлиги, раҳматномалар топширдилар. Диёрахон Турсунова, Мардонжон Юнусов, Раҳимжон Исломов, Гулнозахон Тулаганова, Саида Музаффарова, Жасур Султоновларга ҳамманинг ҳаваси келди.

Менга ҳам мактов ёрлиги топширилди. Гулдаста тақдим этишди. Чиройли соат совға қилишди. Шундай хурсанд бўлдим-ки... Бунинг учун энг аввало устоз-муаллимам Жамила опа Камоловадан миннатдорман. Улар дарсларни шундай яхши утадилар-ки...




Келиб курсангиз ўзингиз ҳам қойил қоласиз. Мактабимизда устозимга ухшаш ўқитувчиларимиз кўп. Тадбир утказилган кўни директоримиз ҳурматли ўқитувчиларимиздан — Жамилахон Камолова, Мукамбархон Пулатова, Гавҳархон Зухурова, Земфира Юнусова, Арофат Абдумаликова, Нодири Туйчиева, шунингдек, рус тили ўқитувчилари Наргизахон Тошхужаева ва Нозимахон Юнусова, хор бўйича устоз Севарахон Маликова (танловда I урини эгаллаган) номларини алоҳида мактаб утдилар. Яхши ўқиётганимдан ота-онамнинг хурсандлигини айтмайсизми. Дадам хизматчи бўлиб «Ўзбекинтуристсервис»да ишлайдилар. Ойим эса кўз касалликлари бўйича мутахассислар. Мен ҳам онамга ухшаш шифокор бўлмоқчиман.

Таътилга чиққач, уларга уй юмушларида кумаклашаман. Эртақ китоблар ўқишни севаман. Телевизорда эса мультфильмлар томоша қилишни яхши кураман.

Яна бир мақсадим — таътилда дам олиш, роса чиниқиб мактабга янги куч-ғайрат билан қайтиш. Келгусида ҳам фақат ва фақат аъло баҳоларга ўқиш.

Дарҳақиқат, биз етук билимли бўлсак, мустақил Ўзбекистонимизнинг ривожланишига муносиб ҳиссамизни қўша оламиз.

Азизанинг ҳикоясини ёзиб олувчи:
Васила ПУЛАТОВА.





Жон роҳати — кўк чой... кўк чой.

ЯНГИ КИТОБ ТАҚДИМОТИ

Аввал хабар берганимиздек, яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бусағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли янги китоби чоп этилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида мамлакатимиз раҳбарининг мазкур асарини жамоатчиликка тақдим этиш маросими бўлди. Китобда Ўзбекистоннинг бугуни ва эртаси ҳақидаги уйлар чуқур илмий ёндашув ва ҳолислик билан баён этилган. «Фарзандларимиз, келажак авлодлар биздан шу улкани, шу муқаддас заминни яна ҳам бой, кучли ва қудратли ҳолатда қабул қилиб олишлари учун, биз буюк аجدларимизга нисбатан қандай миннатдорлик туйғуларини ҳис этаётган бўлсак, уғил-қизларимиз, келажак авлодлар ҳам бизга нисбатан шундай миннатдорлик туйғуларини

Мактабда ўқувчилар Муҳиддинни яхши билишганди. Чунки у анча «машҳур». Негадир ҳеч кимга қўшилмайдиган шу бола билан суҳбатлашгим келарди.

— Муҳа, қоптоқни менга ошир! Боғда турган бола туп тепишаётган экан.

— Муҳиддин, майлими сен билан озгина суҳбатлашиб олсак.

— Нима ҳақида?

— Ҳамма нарса ҳақида.

— Муҳиддин, эндигина 5-синфда ўқишингга қарамасдан сени бутун мактаб танийди. Бундай «машҳурликнинг» сабаби нимада?

У елкасини қисди.

— Билмадим, синфдошларимнинг ўзи менга исмим Муҳиддин бўлгани учун «муҳа — пашиша» деб лақаб қўйишган.

— Синфдошларинг билан олдин яхшимидинг?

— Ҳа, бошланғич синфда улар билан яхши эдим. Баҳоларимда ҳам «4», «5» лар бор эди. Кейин 4-синфдан бошлаб улар билан чиқиша олмадим.

— Нима учун?

— Э... Бир нарса йўқолса ҳам мендан қўришади.

— Муҳиддин, кел, туғисини айт, бирор марта уғирлик қилганмисан?

— (Бироз жимликдан сўнг)

Ҳа, бир марта шайтоннинг йўлига кириб бир синфдошимнинг сумкасидан ручкасини олганман.

— Бирорта чин дустинг борми? Агар бўлса, нима учун уни дуст деб ҳисоблайсан?

— Бўлса керак. Шерзодни дуст деса бўлади. У билан ҳам олдин уришиб, кейин дустлашиб қолганмиз. Купинча болалар билан уришиб қолсам, бу ишни қилма деб мени ажратиб қўяди, кейин менга лақаб ҳам қўймайди.

— Катта булғач ким бўлмоқчисан?

— Шофёр бўлмоқчиман.

ҳам қолишган. Шундай пайтларда ўз ишимдан афсусланиб кетаман.

— Уришиб қолганингдани?

— Ҳа, агар мен рақибимдан устун келсам ҳам уни хафа бўлиб кетганини кўрсам, ўзим ҳам хафа бўлиб кетаман. Баъзида кечирим ҳам сурайман. Туғисини айтсам — мен ҳам уртоқларим, устозларим билан яхши бўлишни, синфдошларим мени ҳам ҳурмат қилишларини жуда-жуда хоҳлайман.

— Биласанми, бунинг учун сен аввало ўзингни ҳурмат қилишинг,

яхши ўқишинг, болалар билан жанжаллашмаслигинг керак.

— Опа, Сиз айтгандек бўлсам, мени яна синфдошларим ўз сафларига қўшиладими?

— Албатта!

Муҳиддиннинг кузларида қувонч кураман. Шу 20 дақиқали суҳбатда кўнглига яхши ниятларни туккан бўлса, ажабмас.

Биз уларни тинглаб, улар билан дилдан суҳбатлашиб туғри йўлни курсатсак, келажакдаги қайчадан-қанча кўнгилсизликларнинг олдини олишимиз, бир инсонни ҳаётнинг ҳар хил қоронғу сўмоқларидан асраб қолишимиз мумкин эмасми?! Сиз нима дейсиз, азиз мухлислар?

Дилрабо ДАВЛАТОВА.



— Лекин шофёр бўлиш учун ҳам ўқиш керак-ку.

— ...

— Нималарни орзу қиласан?

— Ота-онамни рози қилишни.

— Қара, қандай яхши ниятинг бор экан... Лекин баъзида «шайтоннинг йўлига» кирганимда, болалар билан жанжаллашганимда ота-онанг сен туфайли уялиб қолишларини ҳеч уйлаб қўрганмисан?

— Ҳа, баъзида улар уялиб

ЖИЙДАЗОРЛАР КАЙДА БОР?

Ҳозир бизда нима қўп «урис» дарахтлари қўп. Анжир, шотут еки жийда дарахти эса улардан кам. Нега уларнинг ниҳоли йўқлигиданми? Бу ўзимизнинг табиатга бефарқлигимизданми?

«Табиатшунослик» дарслигидан хулоса чиқарган ўқитувчимиз айтишича, минг девона, янтоқ, оққуврай, юлгун, жийда каби ўсимликлардан ҳам илгари табиатда самарали фойдаланилган экан.

Кучат экин мавсумида жийда, хурмо, анжир ҳамда минг дардга даво-ўсимликлар экяшимизми? Йўқ. Узоққа бормай, бизнинг қишлоқда жийда

йуриқчидан кутамиз...

Ахир жийда ичбурма, тумов, шамоллаш каби қўп дарахтларга қарши даво экан-ку!

Хонадонларда эса, тиканак гул — алоз парваришига катта эътибор беришади...

ЖИЙДАЗОРЛАР КАЙДА БОР?!

Маҳбуба СУЛАЙМОНОВА,
Учкўприк туманидаги 20-мактабнинг
5-«Д» синф ўқувчиси.

дарахти қабристон атрофидагина қолган. Шу дарахтларнинг ниҳолини мактабимизга олиб келиб, экишга журъатимиз «етмайди». «Ижрочи»лик қиламиз-у, ташаббусини

Ҳафтанинг етти куни

ҳис этишлари учун лозим бўлган ҳамма ишни қилиш — бизнинг фуқаролик бурчимиздир», дейилади китоб ниҳоясида.

РАСМИЙ ТАШРИФ

Душанба ва сешанба кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев тақлифига биноан расмий таширф билан Қозоғистон Республикасида бўлди. Икки мустақил давлатлар Президентлари уртасидаги учрашувларда қатор муаммоларни ҳал этувчи муҳим ҳужжатлар имзоланди. Шунингдек, маросимда Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев Ислоҳ Каримовга Қозоғистоннинг олий мукофоти — «Алтин қыран» (Олтин бургут) орденини тантанали равишда топширди. Президентимиз ушбу ҳурматга икки мамлакат халқлари уртасидаги дустлик, қардошлиқ ва узаро ишончни мустаҳкамлашга қўшган шахсий улкан ҳиссаси, марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва тинчликни мустаҳкамлаш борасидаги буюк хизматлари учун сазовор бўлди.

АНЪАНАВИЙ ЯРАМАРКА

Пойтахтнинг Сайилгоҳ кучасида ҳунар-техника билим

Бир қария қуйиб-пишиб ниҳол ўтқазаётган эди. Шу пайт уша юрт ҳокими унинг ёнидан ўтиб қолди. У қариянинг олдида тўхтаб:

— Эй, отахон, ўзингиз кучқувватдан қолай деясиз. Тагин ниҳол экаяпсиз, у мева туккунча соғ-омон турарми-

юртлари ва бошқа таълим-тарбия муассасаларида, ўқув устаноналарида тайёрланган буюмлар, тажриба томорқаларида етиштирилган маҳсулотлар ярмаркаси бўлди. Ҳар сафаргидай бухоролик зардушлар, қашқадарелик ва сурхондарелик ҳунармандлар яратган буюмлар қўчиликка манзур бўлди.

ДУНЁВИЙ ЭҲТИРОМ

Азиз болажонлар, утган йили ЮНЕСКО ҳомийлигида бо-бокалонимиз Амир Темур таваллудди дунё миқёсида, шунингдек, Франция пойтахти — Парижда нишонлангани эсингизда бўлса керак-а. Бу йил яна ЮНЕСКО ташаббуси билан Бухоро ва Хева шаҳарларининг 2500 йиллик юбилеи Парижда катта тантаналар билан ўтказилган бўлди. Бундай тадбирнинг нишонланишига эса оз қолди. У ЮНЕСКО ижроия қўмитасининг мажлиси чақирилган 13-20 июнь кунлари ўтказилади. Ҳозир мазкур тадбирга қизғин ҳозирлик қўриляпти. Бухоро ва Хева шаҳарлари тарихига бағишлаб «Шарқ» нашриёт-матбаа концернида тайёрланган иккита 400 саҳифадан иборат рангли суратлар билан тулдирилган альбом барчада катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиз. Қолаверса, Бухоро ва Хева дунё ёдгорликлари рўйхатига киритилган.

Жаҳон атроф — муҳитни муҳофазалаш кунига

— Мана, эккан ниҳолим дарҳол ҳосил берди! — деди.

Ҳоким унинг бу сўзларидан

НИҲОЛ ЭКАЁТГАН ҚАРИЯ

кансиз? — деди.

— Бошқалар эккан эди — биз баҳраманд бўлдик, энди биз экамиз — бошқалар ейди-да, — жавоб берди қария.

Унинг бу гапидан завқланган ҳоким чолга олгин ҳадя қилди.


Шунда қария:

ҳам завқланди, ҳам ҳайрати ортди ва яна олгин инъом қилди. Қария қўлган ҳолда:

— Одамлар эккан ниҳоллар йилда бир марта ҳосил берарди, меники эса икки бор ҳосил берди! — деди.

Ҳоким қариянинг зукколигидан хурсанд бўлиб, унга тагин олгин инъом этди.

Олма десангиз ҳам оламан...



«ТОШКЕНТ ҚЎРҚАЗТА ҲАММАИДИ»

Утган ойда уз ишини якунлаган XII Халқаро Тошкент кинофестивалини нафақат республикамиз маданий ҳаётида, балки унда иштирок этган 32 хорижий мамлакат киносанъатида ҳам янги бир саҳифа очди, дейиш мумкин.

Меҳр-саҳоватга, узаро ҳурмат ва эҳтиромга, дустлик ва биродарлик туйғуларига тула бу ҳаяжонли кунлар эндиликда ширин бир хотирага айланиб қолади.

Қолаверса, бу киноанжуман Мустақил мамлакатимиз маънавиятининг янада юксалиб бораётганидан, Ўзбекистон Республикаси жаҳон халқлари олдида жуда катта ҳурмат ва эътибор қозонаётганидан яна бир бор дарак берди. Юртимизга ташриф буюрган чет эллик киносанъаткорлар уз Мустақиллигининг эндиғина бйиллигини қарши олаётган республиканинг халқаро майдонга дадил чиқиб бораётганига ва бунинг учун барча шароит ва имкониятлар мавжуд эканлигига гувоҳ бўдилар.

Кинофестивалнинг тантанали ёпилиш маросимида сузга чиққан Халқаро

хайъат раиси, машҳур ёзувчи Чингиз Айтматов таъкидлаб утганидек «Жаҳон киносанъати улкан бир уммон бўлса, Тошкент кинофестивали ана шу уммондаги кемалар тухтаб утадиган жой—қурфазлардан бири бўлиб қолади ва у ҳамиша маёқ янглиг узиға чорлаб тураверади».

Биз, кинофестиваль иштирокчилари, меҳмонлари ва мезбонлари 8 кунни қандай утганини ҳам сезмай қолдик. Чунки Вақт ва Макон олдида саккиз кун куз очиб юмгудек фурсат, холос. Лекин, бугун ширин хотираларга айланиб қолаётган уша кунларнинг файзи ва таровати, мазмун ва моҳияти-чи?! Буларни таърифлашга эса тил ожизлик қилади.

Чунки, Тинчлик, Дустлик, Биродарлик, Ҳамжиҳатлик сингари юксак инсоний фазилатларни дунёдаги бошқа ҳеч нима билан на қиёслаб, на улчаб бўлмайди...

«ТАНИШИНГ, ҒОЛИБЛАР!»

Ниҳоят, ҳамма орзиқиб қутган дақиқалар етиб келди. Кинофестиваль ғолиблари эълон қилинди.


Чингиз Айтматов ана шу ғолиблар рўйхатини ўқиб эшиттирар экан, уни юксак мукофотлару—номдор ак-

Унутилмас саккиз кун

тёрлардан эмас, балки кинофестивалнинг энг ёш иштирокчиси, режиссёр Қамара Камоловнинг «Ҳаммаёқ оппоқ қор билан қопланган эди» фильмида узининг ilk роли билан иштирок этган ўзбекистонлик мактаб ўқувчиси Раъно Шодиева номи билан бошлаганида ва уни «Биринчи роли учун» соврини ва ЮНЕСКО мукофоти билан тақдирлаганини билдирганида Халқлар Дустлиги саройи қарсақлардан ларзага келгандек бўлди.

Бунинг сабаби бор эди. Чунки, миллий киносанъатимизнинг эртанги кунини айнан Раъно ва унинг касбдош дустлари яратадилар. Шахсан мен ана шу ҳолатни «келажакка, эртанги кунга мурожаат», деб қабул қилдим.

Кинофестиваль Халқаро хайъатининг қарорига кура, фестивалнинг Гран-При — «Олтин хумо» соврини билан Жанубий корейлик кинорежиссёр Пак Сун Су «Алвидо, азизам» фильми учун, хитойлик актриса Си Ми Чуан ва озарбайжонлик актриса Аян Мирқосимовалар «Ёлғиз дарахт» ва «Бировнинг вақти» фильмларидаги яратган об-



разлари учун, «Энг яхши аёл роли учун», «Олтин лола» соврини билан, россиялик актёр ва режиссёр Евгений Матвеев эса «Русчасига севиш-2» фильмидаги роли учун, «Энг яхши эркак роли учун» бериладиган «Олтин арча» соврини билан, қозогистонлик режиссёр Ардад Амиркулов миллий мавзунини чуқур ёритгани учун «Семурғ» соврини билан, ўзбек кинооператори Рифқат Иброҳимов «Буюк Амир Темур» фильмининг сурада олишдаги маҳорати учун Халқаро хайъатнинг махсус соврини — «Нексия» автомоби билан мукофотландилар.

«ФЕСТИВАЛЬ ТУГАДИ. ФЕСТИВАЛЬ ДАВОМ ЭТАДИ»

Шундай қилиб, XII-Халқаро Тошкент кинофестивали уз ишини якунлади.

«Умуминсоний қадриятлар ва миллий тараққиёт» шиори остида утган бу анжуман Мустақил мамлакатимизда амалга оширилаётган тарихий ўзгаришларнинг узиға хос бир намоёиши сифатида довруғ таратди.

Кинофестиваль тугади. Лекин, унинг мафтункор руҳи, унутилмас учрашувлару шодлик ва қувончга тула утган 8 куннинг ҳаяжонлари энди юракларимизда давом этади...

Эркин УСМОНОВ.

Сарлавҳамиз тадбирнинг номи. Жабланманг, болалар. Албатта, сизнинг ҳар бирингиз соғлом, чаққон ва эпчил бўлишни истайсиз, бунинг учун саломатлик шиори остидаги тадбирлар жуда қўл келади, шундай эмасми?

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманига қарашли 261-мактабда ўтказилган тадбир шундай номланган эди. Ҳали сизнинг аксариятингиз халқаро Қизил хоч ва қизил ярим ой жамияти, унинг мақсад ва вазифалари ҳақида тўшунчага эга эмасиз. Бунинг учун эса мактабларда бу жамиятнинг бошланғич таъкилотлари тузилиши керак.

Собир Раҳимов тумани ҳудудидаги

36 та мактабнинг барчасида бундай таъкилотлар вужудга келтирилган бўлиб, улар юзлаб санитария постлари ва дружиначиларни ўзида бирлаштирган.

сонпарварлик ҳуқуқларини ўрганиш, тарғиб этиш. Инсонларга меҳр-шафқат кўрсатиш. Бир сўз билан айтганда, меҳрибон бўлиш.

«САЛОМАТЛИКНИНГ ЁШ ДЎСТАЛАРИ»

Уларнинг асосий вазифаси — фақуллодда ҳолларга тайёр туриш. Тиббий ва гигиеник билим асосларини эгаллаш. Ин-

«Саломатликнинг ёш дўстлари» тадбири худди ана шу мақсадда ўтказилди. Унда 23 та мактаб санитария пост-

Ибрат

лари иштирок этишиб, ўз билим ва маҳоратларини кўрсатишди. Мусобақалар 8 босқичдан иборат бўлиб, санитария постлари 6 та деворий газеталарни ҳам ҳавола этдилар. «Опикс» ҳиссдорлик жамияти, «Отид» фирмаси, «Карина» хусусий корхонаси мусобақани ўтказишга ҳомийлик қилди.

Мазкур тадбирда 249-мактаб биринчи, 261-мактаб иккинчи, 234 ва 119-мактаблар учинчи ўринларни эгаллашди. 249-мактаб шаҳар миқёсидаги мусобақага қатнашадиган бўлди.

Хулқар ТҲИМАНОВА.

Қандай фикрлашни ўрганамиз



— Ая, борди-ю одам нотўғри фикрлаб қўйса-чи?

— Шунинг учун каллага келган фикрни ўйлаб ўтирмай шартта айтиш керакмас. Фикр-сўзга айланганда, ёзувга айлангандагина кўринади. Олдин яхшилаб ўйлаб кўриш керак. Эсингда борми, маҳалламизга Мохинур ўртоғинг ян-

ги кўчиб келган пайтлари сенга кимдир: «Мохинур роса димоғдор қиз экан, бойлигига керилса керак-да» дебди. Сен ўша гапга ишониб қанчагача Мохинурдан ўзининг олиб қочиб юрдинг. Аммо билиб-билмай айтилган гапни бошқаларга тарқатиб юбормадинг. Мохинурни синаб, унинг меҳрибон, меҳнаткаш қиз эканлигини билгач, ўртоқ бўлдинг, маҳалладаги тенгдошларингга таништириб, давраларингизга олиб кирдинг. Ва тўғри қилдинг.

Одам ҳар нарса ҳақида фикр айтишдан олдин ўзи ўша нарсани яхши билиши, ўрганиши керак. Эшитганга қараб ёки тусмоллаб фикр айтиш кўпинча хатоликларга сабаб бўлади.

— Синфимиздаги Бахти бор-у, ўша бир куни стадионда ўйнаб юрган экан, олтинчи «Б»нинг болалари «Сумкамизни титиб, нарсаларимизни олди» деб ўқитувчиларига чақишибди. Ботир Бахтини кўрмаган бўлсаям, «У олмади, у ўғри эмас» деб роса ҳимоя қилди.



Кейин қараса, ростдан ҳам Бахти ҳеч кимнинг сумкасини очмаган экан, бошқа бола титкилаган экан...

— Ўша Ботир исми жисмига мос бола экан. Бунақа пайтда бировнинг тақдири ҳал бўлаётган пайтда журъатли, дадил бўлиш керак. «Мендан сўраса, фикримни айтаман» деб

ўтирмай, ўртоғига ишонса, дарров туриб ҳимоя қилиши керак!

— Ая, фикрни айтиш шартми, мана Гулруҳ — жим юради, ҳамма уни одобли киз, дейди?

— Умуман қиз боланинг камгап бўлгани, гапирса ҳам билиб гапиргани, фаросатли бўлгани яхши. Аммо ўйлаганингни айтиш, унинг тўғри ёки нотўғрилигини текшириб кўриш, бошқаларнинг фикрини ҳам тинглаш керак.

— Ая, фикрлаш қийин экан, эртақ айтиб беринг.

— Хўп, асалим, қийин бўлсаям аста-аста фикрлашни ўрганиш керак. Фикрсиз одам қулликка мойил бўлади.

Ҳа, майли, бу ҳақда кейин гаплашамиз.

ҚУТЛИБЕКА

КУЛДИРИШ МАШҒУЛОЛАРИ

— **Кўринишингиздан болалигингизда ниҳоятда шўх бўлганга ўхшайсиз?**

— Нималар деяписиз, шўх ҳам гапми, учига чиққан безори, дангаса, шумтака эдим. Болалигимда куй боқардик. Ҳазил-хузил билан булиб, қуйлар нукул бировларнинг боғига, полизига, экинзорига қочиб кириб пайхон қилар, жабрланган кишилар бунни албатта менидан куришарди ва ҳар гал келиб, дадамга шикоят қилавериш, роса жондан тўйдиришарди. Кейинчалик янгича усул уйлаб топдим. Қочиб кетган қуй жониворларни ким қайтариб келса, унга кулавериш, ичаги узилгунча аския айтиб берадиган бўлдим. Албатта, бу топқирлигим мени дадамдан гап эшитилган, дадамни эса одамларнинг шикоятидан халос қилди. Маҳалламизда узимга хос лақабим бу-

ланди» асарини жуда севиб ўқирдим. Ҳатто кечалари шу китобни естигим остига қуйиб ухлаб қолардим. Айниқса уша асардаги «ОЛГА, ҳамиша қийинчиликлар оша олга» деган шиор менга жуда ёқиб қолган, ҳар доим шунга асосланиб иш тутардим. Ҳатто ҳозир ҳам иш столим устига шу шиорни ёзиб қуйганман. Демак бир умр «Олга, ҳамиша қийинчиликлар оша олга!»

— **Болаликни нимага ўхшата-сиз?**

— Ҳеч қачон ортга оқмайдиған дарёга.

— **Сизни жуда зериктириб юбордик шекилли, топишмоққа қалайсиз. Келинг, яхшиси сизга ҳазил топишмоқлар берайлик-чи, билармикансиз?**

— Бемалол, жавоб беришга ҳаракат қилиб кураман.

либ, сингилгинам эсон-омон 7-синфга ҳам утиб олдим десам. Энди менинг ҳурматим жуда оғир кетди. Ҳар-хил ҳайвон-у, паррандаларга хос лақаблардан буткул озол қилишиб, биратула «Никулин» деган дабдабали ном қуйишди. Бунга шу мактабдаги ҳар-хил кечаларда, байрамларда, мактабдошларим уқитувчиларимни бир кулдирай-чи, нима буларкин деб, қилган бир-иккита ҳажвий чиқишларим сабаб бўлса керак. Энди уқитувчи масаласига келсак, шу хи-

шини хоҳлардим. Ҳозирги кунда узим ишлайтган «Ўзбекнаво» гастрол-концерт уюшмасидаги «Мирзо» қизиқчилар театрида ҳам бир талай шогирдларим, жиянларим фаолият курсатмоқдалар. Театримизнинг номидан ҳам куришиб турибдики, бу ерда одамларга шодлик, кулгу улашишни уз ҳаёт мазмуни деб биладиган фидойи кишилар йиғилган. Чунки, «Мирзо дегани» «М» — меҳнатсевар, «И» — изланувчан, «Р» — роса, «З» завқли, «О» — одамлар театри деган

тайиб кетади. «Менга бари-бир-ку бир оғиз кечирим сурасам, ҳамма иш жойида бўлади», — деб ҳар гал ҳар хил шумликлар уйлаб чиқараверади. Айниқса, бу нарса унинг келажагига ёмон таъсир қилади. Бизнинг уйда ҳам бунақа воқеалар бўлиб туради. Мана шу эркатой ўғлим Отабек, бир пайтлар уй оламиз деб йиғиб юрган долларларимизнинг ҳаммасини богчага тарқатиб келган. Унинг бу ҳотамтойлигидан биз анчагина азийт чекканмиз, албатта. Шунақа пайтларда бир вақтлар Ушга гастролга борганимизда қирғиз биродарларимиз бир ажойиб урма қамчи совға қилишганди, ушанга мурожаат қилишга тўғри келди. Демак, Ушдан келган урма қамчи бу — бизнинг уйдаги ҳуқуқ посбони. Буни болаларим қандай қабул қилишадди, у ёғи менга номаълум.

— **Сиз XXI аср болалигини қандай тасаввур қиласиз?**

— Камида йигирма хил тилда бемалол гаплаша оладиган, мияси компьютердан ҳам яхши ишлайдиган, ута ақлли вундеркендлар тим-солида тасаввур қиламан.

— **Тегирмон гали билан деганларидек, юқорида биз сизга анчагина ҳазил саволлар билан мурожаат қилгандик. Балки сиз ҳам, бизнинг билагон ўқувчиларимизга савол бериб имтиҳон қилиб кўрар-сиз? Лекин олдиндан айтиб қўяй ўзингиздан қолар гап йўқ, мушук текинга офтобга чиқмайди — деганларидек, бизнинг топқир ўқувчиларимизга биров совғангиз бордир балки?**

— Бор албатта, янги томошамизнинг тасвири туширилган бир

БОЛАЛИК-ОРТГА ҚАЙТМАС

либ, ҳамма мени «шум бола» деб атар, қулогимга азон айтиб қуйилган Мирзабек исмим қарийб унут бўлаёзган, у ноёб исмимни фақатгина уйда онам ишлатардилар холос. Ўзи мен то мактабни тугатганимга қадар турли-туман лақаблар остида яшашимга тўғри келган, э, ана шунақа гаплар...

— **Шон-шухратдан қўрқмайсизми?**

— Очигини айтсам, шон-шухрат, мақтов, хушомад-шунақа нарсалардан аллерижам бор. Жуда гашим келади. Чунки санъаткорни улдирадиган нарса бу — шон-шухрат билан мақтовдир. Қачонки санъаткор хушомад-у мақтовга берилдими, шон-шухратнинг ногарасига ўйнаб, бойлигининг изидан қувдими, у санъаткор ҳақиқий санъат оламиндан йуқолди, улди деяверинг. Аслида шон-шухрат уткинчи ва алдамчи нарса. Абдий қоладигани бу халққа бетаъма хизмат-у шодлик улашишдир. Хушомаддан иборат мақтовни жуда ёмон кураман. Менимча, санъаткор учун ҳақиқий мақтов бу томошабинининг завқ билан чалган қарсагидир.

— **Мирзабек ака, ҳаётда сиқилган пайтларингизда кўпроқ нимага таянасиз?**

— Онамга, у кишининг кунгилларидаримга малҳам бўлувчи ширин сузларига, эркалаларига таянаман. Айтсам ишонмасиз-у, лекин ҳалигача онамга эркалангим келади. Қийналган пайтларимда онам шунақа тасалли берадиларки, мен бунга ҳеч қимдан ва ҳеч нарсадан тополмайман. Аламимни эса санъатдан оламан. Ўзи менинг энг яхши деб топишган томошабинларга манзур буладиган ижроларим мана шунақа дард билан ениб юрган пайтларимда тугилади. Юракда дард, армон бўлмас экан инсон ҳеч нарсага эришолмайди.

— **Ҳаётингизда қайси ҳикматга амал қилиб иш тутасиз?**

— Мен болалигимда Николай Островскийнинг «Пулт қандай тоб-

— **Тешиккулчани бўлганда тешиги қаерга кетади?**

— Қаерга буларди, қоринга-да!

— **Эчки етти ёшга тўлганда нима бўлади?**

— Албатта эчки мингта кир-саям эчкилигича қолаверади.

— **Ўйингизда қовун тарвуз бўладими?**

— Мен эсимни таниб 36 га кирибманки, ҳалигача қовун-тарвуз бўлгани йўқ. Мабодо бундан кейин бўлиб қолса, ушанда бу топишмоғингизга жавоб айтаман. Ҳозирча шаҳар бердим.

— **Ҳали болалигимда жуда шум эдим дедингиз. Энди сир бўлмаса айтинг-чи, мактабда қанақа ўқувчи бўлгансиз? Ёмон кўрган ўқитувчингиз бўлганми?**

— Яхшиси мен мактабда қанақа ўқувчи бўлганимни айтмай-ю, олган бир-бирига ухшамайдиган бетакрор лақабларимни босқичма-босқич айта қолай. Ўзингиз бирор хулоса чиқариб оларсиз. Қани бош-лалик бўлмасам, 1, 2, 3-синфларда «Потма чумчуқ» лақаби остида иш олиб борганман. Сабаби битта партада ҳеч қачон мутгасил утира олмасдим. Агар синфда йигирмата парта бўлса шу бир кун ичида бемалол ҳаммасида мени учратишингиз мумкин эди. Бу лақабимга узим ҳам яхшигина қуниқиб қолган эдим. 4-синфда бошлангич таълимдан катта синфга утишимиз муносабати билан менинг оламшумул лақабимга ҳам узартириш киритилди. Энди сал уйдим шекилли, «чумчуқдан» бир-ланига «маймун» деган унвон беришди. Тақдир экан, энди 4, 5, 6-синфларда «маймунона» ҳаракатлар билан машғул бўлдим. Яъни бу доскада туриб ҳам, партада утириб ҳам, мимик машқлар бажариш, тинимсиз кимларнидир кулдириб, кимларнингдир асабига тегишдан иборат эди. Шунақа қи-



мия ўқитувчимизни ёмон курадим. Чунки биринчидан химияни мутлоқо тушунмасдим. Иккинчидан, бошқа ўқитувчилар мени эркалатишар кунгилмга қарашарди. Химия ўқитувчимиз эса: «Қани Холмедов уни айт, қани Холмедов бунга айт» деб, ҳоли жонимга қуймас, улар булсам улиб булгандим. Энг қизиғи шундаки, 10-синфда ўқиётган вақтларимда энг яқин, энг яхши кўрган ўқитувчиларимдан бири шу химия ўқитувчим бўлиб қолди. Бу пайта келиб химияни ҳам балюдек биладиган бўлган эдим. Энди у даврлар утиб кетди, қайтмас бўлиб кетган шўх ешлгимни, уйинқароқ, олов болалигимни эсласам кузларимга беихтиёр соғинч ешлари келади. Ушандай вақтларда дунёга сизмай кетаман.

— **Болаларингиз ҳам ўзингизнинг йўлингиздан боришини хоҳлайсизми?**

— Нима десам экан. Менинг санъатимни, йулимни, ишларимни давом эттирувчилар қунайи-

маънони билдиради. Болаларим уртасида урганча ўғлим Улугбек жуда санъатга ишқибоз. Янлишмасам шу боладан зўр қизиқчи чиқса керак-ов. Яна худо билади.

— **Сизда ҳам нимадандир ҳаяжонланиш оқибатида саҳналарда диққатингиз чалганми?**

— Ҳа, бунақа ҳоллар ҳам жуда кўп булган. Лекин ҳеч қачон уйнаётган ролимдан, айтётган гапимдан адашмаганман. Қисқаси ҳаелим чалган-у барибир саҳнада эканлигимни унутмаганман.

— **Дейлик, шўх болаларингиздан бири сиз яхши кўрган китобни йиртиб қўйди? Сиз уни қандай жазолайсиз?**

— Мен унақа болага ҳар қанча яхши қурмай, барибир тан жазосини маъқул кураман. Чунки бола-нинг юрагига қандайдир бир ҳадик булиши керак-ки, «яна ёмонлик қилсам калтак ейман, кел яхшиси шунга қилмай қўя қолай», — деб узини ҳар-хил булмағур ишлардан тийди. Агар ҳар гал осонгина кечириб юборилаверса, бола тал-

БАР ДАРЁ

ажойиб видео кассетамиз бор. Ушани шу топишмоққа тўғри жавоб топган болага совға қилмоқчиман. Энди топишмоқларга қулук тугинг:

1. Ҳам кулдиради, ҳам куйдиради.
2. Дунёда ҳеч қачон қайтиб келмайдиган нарса нима?
3. Синмайди, узилмайди фақат думалайди.

— **Мана, суҳбатимиз ҳам охи-рлаб борапти. Фурсатдан фойдаланиб сизга бир анъанавий савол бермоқчиман. Ўзингизга маълумки, бугунги кунда сизнинг номингиз кулгу дарғалари қаторида тилга олинади. Ҳатто бешиқдаги бола-кай ҳам номингизни эшитганда беихтиёр жилмайди. Ана шундай кулгусевар халқимизга тилақларингиз?**

— Ҳали айтдим-ку, сизга шу ортиқча мақтовга ҳеч тоқатим йўқ деб, тилақларимга келсак, бизнинг кулгусевар халқимиз доимо кулиб юришсин. Юз-кузларидан ҳеч қачон кулгу аримасин. Бу билан «худои данак топган жиннига ухшаб» доим тиржайиб юрсинлар, демокчи эмасман. Балки чин юракдан том маънода кулиб табассум қилиб юрсинлар, демокчиман.

— **Самимий ва мароқли суҳбатингиз учун сизга катта раҳмат.**

Илоҳим, халқимиз бахтига кўп йиллар яшанг ва ўзингиз айтганингиздай ҳаммага ёруғ табассум улашиб юринг.

**Суҳбатдош
Санобар МЕҲМОҲОВА.**

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ КҮМИТАСИ

Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир ҳайъати:

Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОҚОВ, Гулнора
ЙУЛДОШЕВА, Шермет ЁРМАТОВ, Хотам АБДУ-
РАИМОВ, Мўқимжон ҚИРҒИЗБОВ, Дадахои
ЎКУБОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф
ШОДИМЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА.

IBM компьютерларида терилиб ва
сифтланган. Офсет усулида
босилди. Ҳажми 1 боёма табак.
Бўюрма — 1 — 0375.
10960 нусхала босилди.
Қўғири бичими — А-3.
Босишда топириш вақти 19.00.
Топиришда — 18.30.
Навбатчи муҳаррир Х.Рустамова.

Рўйхатдан утин тартиби
№ 000137
Маълумини: 700083,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси,
32-уй.
Навор кўрсаткичи: № 64563
Телефон:
33-44-25